

20-Iyun, 2025-yil

ЛОГОПЕДИК МАШГУЛОТЛАРДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бекманова Жамила Абдулаевна

Кафедра бошлиги п.ф.б.ф.д.(PhD)

Абатбаева Зульфия Илич қызы

Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институти Мактабгача таълим
факультети: Maxsus педагогика (Логопедия)

Аннотация: Уибу мақолада логопедия соҳасидаги замонавий ёндашувлардан бири – ўйин технологияларидан фойдаланиши масаласи ёритилган. Нутқ нуқсонлари бўлган болалар билан ишилашида ўйинлар нутқни ривожлантириши, тафаккурни фаоллаштириши ва ижтимоийлашувни таъминлашида самарали восита сифатида намоён бўлади. Мақолада турли хил ўйин турлари, уларнинг афзалликлари ҳамда логопедик амалиётда қўллаш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: логопедия, ўйин технологиялари, нутқ ривожси, коррекция, болаларда нутқ нуқсонлари

КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимида инклузив ёндашув, индивидуаллашган таълим ва ҳар бир боланинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим бериш мухим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, нутқ нуқсонлари бўлган болаларни таълим-тарбия жараёнига самарали жалб қилишда логопедия фанининг роли катта.

Логопедия – бу нутқ нуқсонларини аниқлаш, профилактика қилиш ва тузатиш билан шуғулланувчи фан соҳаси бўлиб, у нафақат коррекцион ишларни, балки боланинг умумий ривожига кўмаклашишини ҳам кўзда тутади. Ана шундай жараёнда ўйин технологиялари алоҳида ўрин тутади. Болалар табиатан ўйинкор, фаол ва ҳаракатчан бўлгани сабабли ўйин орқали таълим бериш ва нутқни тузатиш жараёни нафақат қизиқарли, балки самарали ҳам бўлади.

Ўйин фаолияти боланинг фикрлаши, эътибори, эслаш қобилияти ва ижтимоий қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам беради. Шунингдек, болалар логопедик машғулотларда ўйин орқали ўз нутқидаги камчиликларни енгишга интилади ва машғулот жараёнига ижобий муносабатда бўлади. Бу эса педагогик таъсирнинг самарадорлигини оширади.

Ўйин технологияларининг моҳияти ва ўрни

Ўйин – бу бола психологиясига энг яқин, табиий ва самарали фаолият туридир. Нутқ нуқсонига эга болаларнинг ривожида асосий муаммолардан бири – нутқий фаолликнинг пасайиши ва мuloқotга қизиқишининг камайиши ҳисобланади. Буни енгиш учун ўйин технологиялари жуда самарали ҳисобланади. Ушбу технологиялар:

- дидактик (ўқув-тарбиявий) вазифаларни ўйин орқали амалга оширади;
- болани машғулотларга онгли ва қизиқувчан иштирокчига айлантиради;

20-Iyun, 2025-yil

- нутқ фаолиятини кучайтириш билан бирга, психологик монеаларни камайтиради.

Логопедияда ўйинлар оддий кўрсатма билан эмас, болага қизиқарли ва эмоционал жиҳатдан маъқул бўлган машғулотлар орқали нутқ нуқсонларини корекция қилиш имконини беради.

Логопедик машғулотларда ўйин турлари ва уларнинг вазифалари

Логопедияда қўлланиладиган ўйинларни бир нечта гурухга бўлиш мумкин:

a) Артикуляцион гимнастика асосидаги ўйинлар

Артикуляцион аппарати ривожланмаган ёки сўзларни нотўғри талаффуз қиласидиган болалар учун маҳсус мимик ва артикуляцион ўйинлар қўлланилади. Масалан:

- “Ҳайвонларча ҳаракатлан” – тил, лаб, ва оғиз мушакларини машқ қилувчи ўйин.
- “Ойнани артиш” – тилни юқори ва пастга ҳаракат қиласидиган машқи.
- “Балончалар учирин” – ҳаво чиқариш техникаси орқали талаффузни яхшилаш.

b) Фонематик эшитиш ва фарқлашни ривожлантирувчи ўйинлар

Фонематик етишмовчилик логопедияда кенг тарқалган муаммодир. Унга қарши ўйинлар:

- “Қайси товуш йўқ?” – бола сўзда етмаётган овозни топади.
- “Тингла ва ажрат” – ўхшаш сўзларни эшитиш ва фарқлаш.

c) Лексик-грамматик структураларни шакллантирувчи ўйинлар

Ушбу ўйинлар орқали болаларнинг сўз бойлигини, тўғри жумла тузиш кўникмасини ривожлантириш мумкин.

- “Қайси нарса нимага тегишли?” – синонимлар ва антонимлар ўйини.
- “Нима ўзгарди?” – жумла структурасини ўзгартириш орқали тузатиш.

d) Кўл меҳнати ва ҳаракатли ўйинлар

Нутқ моторикаси ва умумий ҳаракатни яхшилайдиган ўйинлар:

• “Катта ва кичик” – бола буюмларни ажратади, бу эса нутқий категорияларни шакллантиради.

• “Югур – тўхта – айт” – ҳаракат ва сўзлашни бир вактда уйғунлаштиради.

e) Мультимедиали ва рақамли ўйин технологиялари

Замонавий логопедияда компьютер иловалари ва планшет ўйинларидан фойдаланиш болалар учун жуда қизиқарлидир:

- “Logopedist Plus”, “Articulation Station”, “Дела Речи” – онлайн дастурлар.
- Интерактив доскада ўйин орқали талаффуз, тузилиш ва грамматик машқлар.

Ўйин технологияларининг афзалликлари

Ўйин технологиялари нафакат боланинг нутқини, балки ижтимоийлашувини ҳам рағбатлантиради. Қуйида уларнинг асосий афзалликлари келтирилган:

Ўйин технологиялари логопедик машғулотларда қўлланилганда қатор афзалликларга эга бўлиб, улар боланинг нутқий ва умумий ривожланишига ижобий

20-Iyun, 2025-yil

таъсир кўрсатади. Қўйида уларнинг асосий афзалликлари ва уларга тегишли тушунтиришлар келтирилган:

Биринчидан, ўйин болада нутқ машғулотларига қизиқиш уйғотади. Болалар табиатан ўйинкор ва ҳаракатчан бўлганлари сабабли, ўйин шаклида ташкил этилган машғулотлар улар учун қизиқарли ва мазмунли кўринади. Бу эса боланинг дарсга онгли ва фаол иштирокини таъминлайди.

Иккинчидан, ўйин технологиялари болада талаффуз ва эшитиш қобилиягини яхшилашга хизмат қиласди. Овозларни тўғри фарқлаш, эшитиш ва қайта айтиш орқали бола овозлар ўртасидаги фарқни аниқ ҳис қиласди ва бу орқали унинг талаффузи мустаҳкамланади.

Учинчидан, ўйин болани машғулотда фаол иштирок этишга ундейди, натижада унинг фаол нутқий ифодаси ривожланади. Болалар ўйин жараёнида нутқий топшириқларни бажариш, жавоб бериш, савол сўраш каби кўникмаларни амалда қўллайдилар.

Тўртинчидан, мулоқот ва ижтимоий қобилияtlар ривожланади, чунки жамоавий ўйинлар болаларни ўзаро ҳамкорлик қилишга, фикр алмашибшга, дўстона муносабат ўрнатишга ўргатади. Бу эса болаларда ижтимоийлашувни кучайтиради ва нутқий коммуникацияни ёқимли жараёнга айлантиради.

Бешинчидан, фикрлаш ва хотирани ривожлантиришга хизмат қиласдиган ўйинлар орқали бола онгли равишда жавоб бериш, тўғри тузиш ва тафаккур қилишга ўрганади.

Ўйинлардаги топшириқлар боладан диққат, эслаб қолиш ва таҳлил қилишни талаб қиласди, бу эса унинг ақлий салоҳиятини фаол ривожлантиради.

Шунингдек, ўйин орқали болада ўз-ўзига ишонч, эмоционал барқарорлик, мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси нутқ нуқсонларини коррекция қилиш жараёнини самарали ва ижобий эмоционал мухитда ташкил қилишга хизмат қиласди.

Амалий мисоллар

Мисол 1: Артикуляцион гимнастика учун “Айна олдида ўйин”

Бола “жонзотларга тақлид қилиш” ўйинида тилни илон каби чиқаради, тилни “куш” каби чакиради. Бу артикуляцион мушакларни ривожлантиради.

Мисол 2: Сўз бойлигини ошириш учун “Сумкага нима соламиз?”

Ўйин жараёнида бола ҳарф ёки товушга мос сўз топади ва “сумкага солади”. Бу ўйин лексик қобилиятни ривожлантиради.

Мисол 3: Интерактив логопедик иловаларда машғулот

Планшетдаги логопедик ўйинлар орқали бола аудио ва визуал кўмак билан нотўғри талаффузни тўғрилайди. Балога нутқини эшитиш, тузатиш ва қайтариш имкони берилади.

Педагог учун тавсиялар

- Боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олинг;
- Машғулот мазмунини турли ўйин турлари билан бойитинг;

20-Iyun, 2025-yil

- Ҳар бир ўйиндан сўнг рефлексия ўтказинг;
- Ота-оналарни ўйин жараёнига жалб қилинг;
- Ижтимоий, эмпатик ва мулоқот кўникмаларини ривожлантирувчи ўйинларга алоҳида эътибор беринг.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, логопедик машғулотларда ўйин технологияларидан фойдаланиш — бу нафақат боланинг нутқ ривожига, балки унинг умумий психоэмоционал ҳолати, ижтимоий муносабатлари ва тафаккур қобилиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган самарали педагогик воситадир.

Ушбу мақолада кўриб чиқилган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ўйин технологиялари боланинг индивидуал эҳтиёжларига мос равишда танланганида, машғулотлар жараёнига қизиқиши ортиб, натижада нутқ нуқсонларини бартараф этишда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилади. Болалар ўйин орқали сўз бойлигини оширадилар, талаффуздаги хатоларни англайдилар ва тўғрилашга интиландилар, шу билан бирга мулоқот жараёнида фаолроқ иштирок эта бошлайдилар.

Бундан ташқари, ўйин фаолияти логопедик коррекцияни сунъий, зўрма-зўраки жараён эмас, балки бола учун қизиқарли ва табиий жараёнга айлантиради. Бу эса педагог ва бола ўртасида ишончли, эмоционал жиҳатдан барқарор муносабат ўрнатишга туртки беради.

Амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, артикуляцион гимнастика, фонематик машқлар, лексик-грамматик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган мультимедиали ўйинларни комплекс равишда қўллаш орқали логопедик машғулотларнинг самарадорлигини анча ошириш мумкин.

Шу боис, логопед мутахассислар, педагоглар ва ота-оналар учун қуидаги тавсияларни бериш мумкин:

- Ўйин технологияларини боланинг нутқ нуқсони тури ва ёшига мос ҳолда танлаш;
- Машғулотни боланинг эмоционал ҳолатига мос равишда ташкил этиш;
- Жамоавий ўйинлар орқали болалар ўртасида ижтимоий мулоқотни рағбатлантириш;
- Ахборот технологияларидан (планшет ўйинлари, интерактив иловалар) мақсадли фойдаланиш;
- Ота-оналарни машғулот жараёнига жалб қилиш ва уларга методик кўрсатмалар бериш.

Келгусида ушбу мавзудаги тадқиқотлар доирасида ўйин технологияларининг муайян нутқ нуқсонлари — масалан, дизартрия, дислалия, афазия ва бошқалар — учун индивидуал қўллаш стратегиялари, ўйин мұхитининг психологик таъсири, ҳамда рақамли ўйин воситаларининг самарадорлиги юзасидан аниқлаштирилган, илмий асосланган хуласалар чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

20-Iyun, 2025-yil

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Фойдаланилган адабиётлар

1. Джо’rayeva, S. (2022). “BOLALARDA NUTQ TEMPINING BUZILISHI VA UNI BARTARAF ETISHNING KORREKSION USULLARI”. Журнал педагогики и психологии в современном образовании.

2. Muzaffarova, X. (2020). “OQUVCHILAR SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA DIDAKTIK OYIN VA MASHQLARNI TANLASH TEXNOLOGIYASI”. Архив Научных Публикаций JSPI.

3. Barb Truman ва Lauri Whiskeyman. “50 Quick-play articulation games”

